

# O'ZBEKISTON



# OVOZI

IJTIMOY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 6-IYUL ■ SESHANBA ■ 81 (27.256) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ МОСКВАДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2-3 июль кунлари амалий ташриф билан Россияда бўлди.

Президентимиз Москвада МДХга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашувидан иштирок этди. Унда Ҳамдўстликнинг сентябрь ойига мўлжалланган Остона саммитига тайёргарлик кўриш, МДХ доирасида интеграция жараёнларини жадаллаштириш ва савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, Афғонистондаги вазиятга доир масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Саммит қатнашчилари Ҳамдўстлик доирасида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларни ҳаётга таъбиқ этиш жараёнлари, ҳамкорлик самарасини ошириш масалаларини муҳокама этдилар.

Президентлар хавфсизликни мустаҳкамлаш, террорчилик, экстремизм ва нарқобизнесга қарши курашда ҳамкорлик масалаларига ҳам эътибор қаратдилар.

Президент Ислам Каримов Россия Федерацияси ҳукумати раиси Михаил Фрадков билан учрашди. Мулоқот чоғида асосан мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўтган ой Тошкентда Ислам Каримов ва Владимир Путин Ўзбекистон билан Россия ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаган эдилар. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон бу ҳужжатга юқори баҳо беришини таъкидлади.

(ЎЗА)

## КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 13 мартдаги Фармойиши билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш тузилган эди. Унинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлат органларининг ходимлари, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Мажлисни кенгаш раиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Мирбобоев бошқарди.

Кенгаш ислохотларнинг ҳуқуқий майдонини танқидий таҳлил этиш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши соҳасидаги камчиликларни аниқлаш, давлат, жамият қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги аниқ муаммоларни ҳал этиш учун зарур бўлган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш кераклиги таъкидланди. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Кенгашнинг 2004 йил иккинчи ярим йиллик иш режаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Мажлисида, шунингдек, республикадаги ҳуқуқий даврий нашрларнинг фаолияти тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Сўзга чиққанлар кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда инсон имкониятларини ривожлантириш соҳасида янада юксаликка эришиш учун ҳуқуқий даврий нашрларнинг муҳимлиги тўғрисида гапирдилар. Ҳуқуқий даврий нашрлар фаолиятидаги маъ-

жуд камчиликлар алоҳида кўрсатиб ўтилди. Уларда чоп этилаётган материалларнинг сифатини талаб даражасига кўтариш, нашрларни йириклаштириш масаласини ўйлаб кўриш, ислохотлар боришини таҳлилига таянган ҳолда мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг қонунчилик асосларини янада тақомиллаштиришга йўналтирилган илмий асосланган материалларни кўпроқ чоп этиш зарурлиги ҳақида фикр билдирилди.

Шунингдек, ҳуқуқий газета ва журналлар қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини нашр этар эканлар, уларнинг барча рефератлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шартлиги тўғрисидаги қонун талабини баҳармаётганлиги ва бундай ҳолат ҳуқуқни таъбиқ этиш амалиётида ҳаттоликлар келтириб чиқариши мумкинлигига эътибор қаратилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎЗА)

## «Истиқлол умидлари — 2004»



## «АРДОҒИМДА, ҚАЛБИМДАСАН, ВАТАН!»

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг спорт мажмуида умумтаълим мактаблари битирувчиларининг «Истиқлол умидлари — 2004» фестивали бўлиб ўтди. «Ардоғимда, қалбимдасан, Ватан!» шiori остида ўтказилган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг Маъбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ишлари вазирликлари, Ўзтелеордиокомпанияси, «Ўзбекинов» эстрада бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Эркин Воҳидов тадбирни очар экан, ҳар бир мамлакатнинг қудрати ва салоҳияти, жаҳондаги макеи кўп жиҳатдан пухта билимли, малакали мутахассислари билан белгиланиши, шу боис аҳолининг асосий қисминини ёшлар ташкил этувчи юртимизда ёш авлоднинг илм эгаллаши, маънавий камолоти давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши эканини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иш-

лол ва истиқбол умидларидир. Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз ёшларига билдирилётган кўксак эътибор ва ғам-хўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Ёшлар ижро этган бадиий-мусикий, ҳарбий-спорт дастурларида миллий истиқлол ғояси, она-Ватанга муҳаббат, ўзаро меҳр-муруват, халқимизга хос азалий қадриятларни кадрлар каби улғувор гоғлар намён бўлди.

Битирувчиларнинг Ўзбекистон Миллий боғидаги «Наврўз» мажмуи, «Туркистон» саройининг ёғи сахнасида ташкил этилган шундай фестиваллари ҳам кўтарилиб рўҳда ўтди.

Нозолат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

Суратда:  
фестивалдан лавҳа  
Муҳаммад АМИН  
(ЎЗА) олган сурат

## ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ПАРТИЯ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ

Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамовнинг «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари муҳбири саволларига жавоблари

— Аслиддин Ашурбоевич, ўтган ҳафтада жамоатчилик эътиборини ўзига тортган воқеалардан бири бу — Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси томонидан аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш муаммолари юзасидан жамоатчилик тингловлари бўлди. Ушбу анжуман иштирокчиларидан бири сифатида унинг моҳияти ҳақида тўхталсангиз.

— Назаримда, бу — давлат томонидан кафолатланган ҳақда бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш орқали аҳолининг ижтимоий ҳимояси даражасини оширишга қаратилган муҳим масала бўлиши билан бирга, ибрат олишга арзийдиган фуқаролик ташаббускорлиги намунаси. Партия Марказий Кенгаши Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг бу ташаббусини фаол қўллаб-қувватлади.

Бунда фақат солиқни сақлаш муассасалари, тиббиёт ходимларининг тиббий хизмат даражаси ва сифати учун масъулиятини оширишни рағбатлантирувчи ҳаракатларнинг ўзигагина аҳамият берилди. Шунингдек, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда социологик тадқиқотлар ўтказилди. Унинг натижалари анжуман тингловчиларига тақдим этилиши мавжуд муаммолар доирасини аниқ белгилаб олиш, ушбу масалаларга анжуман иштирокчиларининг манфаатли эътиборини тортиш имкониятини берди. Мазкур масалаларни чуқур муҳокама қилиш учун анжуман иштирокчилари бир неча гуруҳларда иш олиб боришди.

— Айтингчи, мазкур жамоатчилик анжуманида Ўзбекистон ХДПнинг фаол иштироки нима билан боғлиқ?

— Аввало, масаланинг бундай қўйилиши ва унинг ечимини жамоавий тарзда излаб топишга қаратилганлиги Ўзбекистон ХДПнинг дастурий қондалари билан ҳаммаандир. Чунки, партияимиз аҳолининг муҳтож қатламлари ва гуруҳларини мақсадли ижтимоий ҳимоялашни ўзининг муҳим сиёсий устуворликларидан бири деб ҳисоблайди.

Шунинг учун, биз бошиданок Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бу ишда бевосита иштирок этишга тайёр эканлиги ҳамда мазкур муҳим ижтимоий ташаббусни амалга оширишда ўз марказий органлари, маҳаллий ва бошланғич ташкилотлари, депутатлик тузилмалари — парламент фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар гуруҳлари орқали ҳаракат қилишини айтдик.

— Ўзбекистон ХДП вакиллари анжуман иштирокчилари эътиборини қандай муаммоларга қаратдилар?

— Аввало, биз мазкур масалаларни тартибга солишда амалдаги қонунчилик ҳужжатларини бошдан оёқ кўздан кечириш зарурлигини айтдик.

«Фуқаролар солиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси 3-қисмида «давлат солиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатади» дейилган. 10-модданинг 2-қисмида эса солиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларига таллуқли даволаш-профилактика муассасалари томонидан фуқароларнинг айрим гуруҳларига бепул тиббий хизмат кўрсатилиши кўзда тутилган. Лекин, бу иккала моддага тегишли ёндош қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинмаган.

Биз бу муаммони ҳал этиш учун «Бепул тиббий хизматлар тўғрисида» ва «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш ёки қандайдир амалдаги қонунларга бу масалаларда аниқлик киритувчи меъёрларни киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам қонунчиликда қайси тиббий хизматлардан бепул фойдаланиш мумкинлиги аниқ кўрсатилгани ва бу давлат томонидан қай тартибда кафолатланишини аниқ белгилашни лозим.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий тизимига кирадиган даволаш-профилактика муассасаларига компенсация бериш манбалари ва мурватларини аниқлаштириш ҳам муҳим. Шунингдек, давлат бепул хизмат кўрсатишни мажбурий деб белгилаш фуқаролар гуруҳларига хусусий тиббий муассасалар томонидан тиббий хизмат кўрсатилганда мазкур шифохоналар сарф-ҳаражатларини қоплаш йўллари ҳам аниқлаб олиш лозим.

Албатта, солиқни сақлаш ҳам бошқа соҳалар каби бозор ислохоти шароитларига мослашиб боради. Бунда эса бепул хизматлар ҳам пуллик бўлиб қолади. Фақат шу шарт биланки, бепул хизматлар тоифасига киритилган тиббий хизматлар қиймати тиббиёт муассасаларига бюджетдан қопланиши керак.

— Муҳокамалар жараёнида кўпгина иштирокчилар солиқни сақлаш тизимини бозор иқтисодиёти талабларига бўйсундириш лозимлиги тўғрисида гапирдилар. Бу — бозор шароитида инсон соғлиғи ҳам товар билан тенг бўлиб қолмайди, деган саволни келтириб чиқаради...

— Инсон саломатлиги ҳар қандай вазиятда, шу жумладан, бозор иқтисоди шароитида ҳам товар бўлиб қолмаслиги лозим. Шунинг учун, бепул тиббий хизматлар даражаси, ҳақи ва сифати тўғрисидаги масалани ҳал этишда «Пен-

сиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги конституциявий қонданинг ижросини тўлиқ таъминлаш лозим. Бу қонданинг Конституциянинг 40-моддасида баён этилган ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги талабдан аввал келиши ҳам тасодиқ эмас, албатта.

— Ушбу масалаларни ҳал этиш учун қандай тақдирлар билдиришнинг мумкин?

— Бизнингча, ҳозирги босқичда ижтимоий соҳани ислоҳ қилишнинг зарур йўналиши — фуқароларни тиббий суғурта қилиш тизимини ривожлантириш учун тараққий этган мамлакатлар андозалари даражасидаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яратишдир. Бу тизимда қўйидагилар кўзда тутилмоғи лозим, яъни: — ҳар бир киши ўз тиббий суғурта шахсий ҳисоб рақамига эга бўлиши лозим. Бу ҳисоб рақамига унинг даромадларидан қонун томонидан белгиланган миқдордаги мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси учун ушлаб қолинган маблағлардан маълум қисми қирим қилиб борилиши зарур;

— аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига кирадиган фуқаролар мақсадли ижтимоий нафақалар олиши ва у даволаш ва профилактика тиббий хизматларини зарур бўлган энг кам тўплами учун ҳақ тўлашга етарли миқдорда бўлади. Бу нафақалар қилишларини шахсий тиббий суғурта ҳисобларига қирим қилинади.

Биз аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, шу жумладан солиқни сақлаш масалаларидаги давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этишни ва бу борада иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратишни ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши деб ҳисоблаймиз.

— Анжуман олдидан ўтказилган социологик тадқиқотлар натижасида тиббиёт ходимларининг иш ҳақи паст даражада эканлиги маълум бўлди. Сиз бу ҳақда нима дей оласиз?

— Сўровномаларга жавоб берганларнинг 40 фоизи касалларни виждонан даволашга тиббиёт ходимларига тўланаётган иш ҳақи паст даражада эканлиги жиҳидий халақит беради, деган фикрда. Биз бу фикрга қўйишлаймиз. Шунинг таъкидлаш кераки, бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари ҳисобот-сйллов йилгишларида ҳам ушбу масала кўп бора тилга олинди. Мажлисларда тушган барча тақлиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, партия минтақавий кенгашлари томонидан кўриб чиқиш учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари ва давлат ҳокимияти ижроия органларига тақдим этилмоқда.

— Қонунчиликка ўзгаришлар киритиш, тиббий суғурта тизимини яратиш учун маълум муддат талаб этилади. Қонунчилик даражасида ҳал этиб бўлинган масалалар ҳозирнинг ўзида самарали ишлаши учун нима қилиш лозим?

— Бу масалада биз инсоннинг соғлиғини сақлаш ва тиббий хизматга бўлган ҳуқуқига риоя этилиши устидан мунтазам жамоатчилик мониторингини амалга оширишга алоҳида аҳамият берамиз. Биз Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУСДМ)нинг марказий аппарати ва минтақавий ваколатхоналари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси бўлимининг ва таъин қўйилган, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан борада қилаётган сазй ҳаракатларини тўла-тўқис маъқуллаш ва қўллаб-қувватлаймиз.

Партияимиз Марказий Кенгаши VII пленуми қарорларига мувофиқ биз маҳаллий партия ташкилотлари ва давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органларининг ХДП депутатлар гуруҳларини бу борадаги ишларда фаол иштирок этишга, жойлардаги тегишли давлат органлари томонидан сайловчиларнинг ҳаётини манфаатларига жавоб бериш учун қарорларни қабул қилиш ташаббускорлари бўлишга йўналтирдик.

— Сўхбатимиз бошида таъкидланганингдек, ечимини кутиб ётган, партия бевосита иштирок этиши мумкин бўлган ижтимоий масалалар доираси кенг. Аммо муаммоларни ҳал этишда партия иштироки қандай шаклларда амалга оширилиши мумкин?

— Мен юқорида қайд этган амалдаги мавжуд қонунчиликка ўзгаришлар киритиш ва янгиликларни қабул қилиш бўйича қонунчилик тақлифларини ишлаб чиқишда Олий Мажлисидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг ташаббускорона ёндошуви муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Агарда бу масалаларни фракцияимиз орқали мамлакат парламентининг ҳозирги чакриғида амалга ошира олдасак, партияимиз бунинг ўзининг сайловолди дастурига киритишга ҳамда кейинчалик, Қонунчилик палатасига сайланган депутатларимиз орқали ҳал этиш учун қатъий кураш олиб боришга тайёр.

Анжуманда таъкидланганингдек, биз фракцияимиз ва депутатлик гуруҳларимиз орқали мамлакат ҳукумати, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ва ижроия ҳокимиятининг бошқа органлари номига тегишли тақлифларни тайёрлашда амалий иштирок этишга тайёримиз. Шунингдек, биз биргаликда ишлаб чиқилган нуктаи назарни ижтимоийдаги мавжуд парламентчилик ва жамоатчилик фаолияти воситалари билан қонун доирасида амалга ошириш учун курашамиз.

Шу мақсадда биз анжуман қатнашчиларини кўтарилган энг муҳим масала ва муаммоларни матбуот нашрларимиз саҳифаларида ҳар томонлама муҳокама қилишда иштирок этишга чакридик. Ўйлайманки, бугунги сўхбатимиз бунинг бошланғич бўлди.

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASIDA

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Ўзбекистон Республикасининг депутатликка номзодларини бевосита фуқаролар томонидан кўрсатиш тўғрисидаги сайлов қонунчилиги» мавзуда семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари раҳбар ва ходимлари, маҳалла ошоқолари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл журналистлари қатнашди.

Семинарни Марказий сайлов комиссиясининг раиси Бўритош Мустафоев бошқарди.

«Парламент сайловида сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирокининг ҳуқуқий асослари», «Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари сайлов кампаниясининг иштирокчилари сифатида», «Сайловчилар ташаббускор гуруҳини расмийлаштириш жараёни», «Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди фаолияти» мавзуларида маъру-

залар тинланди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги қонуннинг 20-моддасига кўра сиёсий партиялар билан бир қаторда бевосита фуқаролар ҳам депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эгадир.

Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод

кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг қамиди юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қонунда белгиланган ҳужжатлар илова қилинади.

Округ сайлов комиссияси ўзига тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу қонун талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин гуруҳнинг ваколатли вакилига рўйхатга олишнинг рўйхатга олинганлиги гувоҳномаси берилгандан кейинги депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг қамиди саккиз фоизи миқдоридан номзодни қўллаб-қувватловчи имзо

тўплаш, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Имзо тўплаш тамомлангандан сўнг, семинарда таъкидланганингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили томонидан ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикланган имзо варақалари тегишли округ сайлов комиссиясига топширилади. Округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўғрисида тўқдирилганлигини текшириб қўради ва беш кунлик муддат ичида тегишли баённомани Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Анжуман жонли мулоқот, ҳизгин бахс-мунозара рўҳида ўтди.

(ЎЗА)

**ХАЛҚ БАНКИ** —  
СИЗНИНГ ОИЛАНГИ БАНКИ

**TOSHKENT SHAHAR**  
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
MULKIDORGA HANKORI

**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

**ALOQABANK** —  
aniq, tez, ishonchli!

Халқ демократик партияси ҳаётидан

МАҲАЛЛАДА УЧРАШУВ

Бўлажак сайловларнинг одилона ўтиши кўп жиҳатдан фуқароларнинг сиёсий онги, маданияти, ижтимоий фаоллигининг юксалишига ҳам боғлиқ. Шунинг учун маҳалла, қишлоқ, аҳоли марказларида мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ўзгаришлар ҳақида суҳбатлар, учрашувларнинг ўтказилиши бу борада ўзига хос самара беради.

Яқинда Мирзо Улугбек туманидаги Бўз маҳалласи аҳли билан Ўзбекистон ХДП фаолларининг учрашуви ҳам ана шу масалаларга бағишланди. ХДП Марказий Кенгаши котиби Собиржон Усмонов йиғилганларга юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, икки палатали парламент тизимининг афзалликлари ҳамда жорий йил охирида бўлиб ўтадиган сайловларнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапириб берар экан, бу йилги сайловларнинг аввалгиларидан асосий фарқи, жумладан унда сиёсий партияларнинг роли ошганлиги ҳақида тўхталиб ўтди. Шунингдек, маърузачи сайлов қонунчилиги ҳақида сўз юритиб, сайловчиларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайлов жараёнида иштироки тўғрисида батафсил тўхтади. ЎзХДП Мирзо Улугбек туман кенгаши биринчи котиби Раёно Сатторовна партия ташкилотлари томонидан жойларда амалга оширилаётган ишлар, ХДП аъзоларининг туманининг ҳар томонлама ривожланишида қўшаётган ҳиссалари ҳақида гапирди.

Учрашувда фуқаролар сиёсий партиялар фаолияти ҳақида ўз фикрларини билдирдилар, таклифларини айтдилар. Партия фаоллари уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар, туман ташкилотларида бўлиб ўтаётган конференцияларда партия мазкур тузилмаларининг ўтган даврдаги фаолиятига ҳолис баҳо берилмоқда. Уларда қилинган маърузаларда ҳамда нотиклар сўзларида ҳам танқидий, ҳам ижобий фикрлар

ғида 100 дан ортиқ таклифлар тушди ва улар ЎзХДПнинг Олий Мажлисидаги фракциясига етказилди. Кенгаш тумандаги қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Шунинг натижаси ўлароқ хотин-қизларни иш би-

сайланган депутатлар ёрдамига таяниди. Дарвоқе, улар билан узвий алоқада бўлиш ташкилотнинг доимий диққат марказида. Улар меҳнат жамоалари, маҳалла-ю ўқув юртимларида ўтказилган 110 дан ортиқ учрашувларда Олий Мажлис сессиялари яқунлари, ёшларни миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш, диний экстремизм ва ақидапарастлик, терроризм балоси ва

ломлар билан ташриф буюрилди. Уларнинг бир қанчаси билан Тошкент шаҳридаги Хотира майдони, Шаҳидлар хотираси хиёбони, Темирйўллар тарихи давлат музейи, шунингдек, Сангиота зиёратгоҳи ҳамда Самарқанд шаҳрига саёҳат, зиёрат уюштирилди.

Кенгаш мамлакатнинг, миллатнинг келажаги бўлган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратди. Улар ўртасида «Фарзандлик бурчим», «Менинг турмуш муаммоларим», касб танлаш мавзусларида ҳамда уларнинг ҳуқуқий, сиёсий онги, маданиятини шакллантириш, жиноятчилик, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқшунослар, суд, прокуратура, ички ишлар идоралари ходимлари иштирокида «давра суҳбатлари», савол-жавоб, баҳс-мунозаралар ўтказилди. Туман кенгаши қўшади ташкил этилган «Ҳаёт мактаби» ёшлар клуби анча йиллардан буюн фаолият юритиб, туман ёшларининг турли оқимларга қўшилиб келишининг олдини олиш, фойдали меҳнат билан банд этиш, бўш вақтларини унумли ва мароқли ўтказиш борасида ўз дастурига эга. Мазкур дастур доирасида тумандаги коллежлар талабалари ўртасида бир неча бор турли кўрик-танловлар ўтказилди.

Олиб борилган бу саёҳатлар натижасида туманда партияга хайрихоҳлар ва ҳақиқий аъзолар сонининг ўсиши кузатилмоқда. Музокараларда сўзга чиққанлар ЎзХДП Сергели туман ташкилотининг ўтган даврдаги фаолиятини қўқарди, деб топиб йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Конференцияда ЎзХДП МК биринчи котиби А.Рустамов сўзга чиқди, Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Л.Фулмонов иштирок этди.

Бехзод ШУКУРОВ

ПАРТИЯ ИСЛОҲОТИ — КУРАШГА ТАЙЁРГАРЛИК

билдирилмоқда. Буни сайлов кампанияси олдидан партиянинг ўзини ислоҳ қилиб, «курашга тайёрлаш» деб ҳам тушуниш мумкин.

Бу ЎзХДП Сергели туман ташкилотининг III конференциясида ҳам намён бўлди. Унда дастлаб кенгашнинг биринчи котиби Лохона Исмаиловнинг ҳисоботи тинланди.

Таъкидлаш жоизки, Сергели туман ташкилоти ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ХДП дастурий ғоя, мақсад, вазифаларини аҳоли ўртасида тарғиб этиш, унинг сафларига ёш аъзоларни қабул қилиш, бошланғич партия ташкилотларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ички партиявий интизомни кучайтириш борасида ижобий натижаларга эришди. Кенгашнинг пленум ва ижроия бюроси мажлисларида 170 дан ортиқ ижтимоий-иқтисодий масалалар кўтарилди. Уларни ижобий ҳал этиш борасида амалий йўл-йўриқлар, услубий тавсиялар ишлаб чиқилиб жойларга юборилди. Турли қонунлар лойиҳаларининг муҳокамалари чо-

лан таъминлаш, тадбиркор аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёш оилаларнинг оёққа туриши ва мустаҳкамланиши борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, маиший муаммоларини ечишда, турли сиёсий, маънавий-маърифий тadbирларни ўтказишда партиядан

Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Яқкабоғ, Косон, Муборақ, Кува, Гулистон, Ангор, Бўстонлик, Тошкент, Қўйичирчиқ, Қибрай, Зағиота, Пискент, Пайарик, Паркент, Гурлан, Янгиариқ Бўз туман ташкилотларининг ҳам конференциялари бўлиб ўтди. Уларда кенгаш биринчи котиблари Ўзбекистон ХДП туман ташкилотларининг ўтган даврдаги фаолияти ва мамлакатимизда декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловлар муносабати билан партия ташкилотларининг асосий вазифаларини мавзусида маъруза қилдилар. Уларда олиб борилган ижобий ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар хусусида очик-ойдин, батафсил гапирилди. Ўз фаолиятида сустлашган йўл қўйётган ташкилотлар танқид қилинди.

Музокараларда сўзга чиққанлар аҳолини қийнаётган қатор муаммолар (ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси таъминотидаги узилтишлар, одамларнинг иш ҳақлари, пенсияларини ўз вақтида ололмаётганлиги ва бошқалар) хусусида гапириб, уларни ечиш борасида партия ташкилоти таклифлар билан чиқши, у ҳал бўлмагунга қадар тиниб-тинчимаслиги лозимлигини айтдилар.

унга қарши курашиш мавзусларида суҳбатлар уюштирилди.

Ташкилотнинг бевосита ташаббуси билан бир қанча кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронларга ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди. Кекса, нафақадар партия аъзоларининг қонандонларига турли совға-са-



Суратларда: Корхонанинг Каттақўрғон шаҳар бўлими фаолиятдан лавҳалар. Тоҳир НОРҚУЛОВ (ўЗА) олган суратлар.



ҚИШЛОҚЛАР ГАЗЛАШМОҚДА

Аҳоли ва саноат корхоналарини табиий газ билан таъминлашда «Самарқандгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси жамоасининг хизмати катта бўлмоқда. Жамоа шу йилнинг беш ойида қарий 68 километрлик узунликда турли босимли газ қувурлари ётқизиш ишларини бажардилар. Натижада, Иштихон туманидаги «Азамат», «Туркистон», Нарпайдаги «Олтинбулок», Пайарикдаги Отакул Умаров номидаги ширкат ҳўжалиқларининг қатор қишлоқлари аҳли қисқа вақт ичида «зангори олов» билан таъминланди. Шунингдек, Ургут туманидаги Шароф Рашидов номи ва Нурободаги «Каттақўрғон» ширкат ҳўжалиқларига ҳам газ қувурлари етиб борди.

— Айни кезде қонандонларга газ ҳисоблагич жиҳозлари ўрнатиш ишларини ҳам бажаряпмиз, — дейди корхона илҳисси Абдурайим Шаропов. — Ўтган ойлари ичида туманларда қарий 20 минг хонадонга, вилоят бўйича эса 280 минг хонадонга шундай жиҳозлар ўрнатдик. Бу ишда, айниқса, корхонамизнинг Каттақўрғон шаҳар бўлими газчилари намуна бўлишмоқда.

— Самимий, ҳолис фикрларингиз учун ташаккур! Суҳбатдош: Алишер ИБОДИНОВ

Аччиқ, аммо очик гаплар

Нақд пуллар айланмасини мўътадиллаштириш мақсадида ҳукуматимиз турли чора-тадбирларни амалга ошираётган бўлса-да, корхона ва банк тузилмаларида ҳамон нолок қимсалар учраб тургани ачинарлидир. Улар ўзларининг мансаб лавозимларидан фойдаланиб ташкилотлар ҳисобидаги маблағларни нақдлаштиришнинг анғидан-янги услубларини йўлаб топмоқдалар. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясига қарашли «Ҳаво алоқалари Бош агентлиги»нинг авиачипталарини тез ва соз сотиш бўйича расмий «субагент»лари мисли қўрилмаган «муваффақиятлар»га эришдилар. Уларнинг «кашиф»-и сўнгги бир-икки йил давомида авиачипталар сотувчи — «субагент» корхоналарининг даярли барчасини қамраб олди. Ёмон иллат шу даражада илдиз отиб кетдики, натижада миллионлаб эмас, балки миллиардлаб нақд сўмлар давлат банкларига келиб тушмади.

Энди ана шу «кашиф» ҳақида батафсил тўхталасак. Очиги, бозорга чиққан харидор сифатли молни арзонроқ олишга интилади. Шу жиҳатдан авиачипта харид қилмоқчи бўлган кишиларга ҳам «Эй ошна, хоҳлаган йўналишга авиачиптани арзон-гаровга олиб берамиз» дейишса, бирор киши «йўқ» демаса керак. Авиачиптачи субагентлар ҳам худди ана шу таклифлар билан таниш-билтишчилик қилиб харидорлар топилган. Бундан харидор ҳам хурсанд, «кашиф» ижрочилари ҳам. Чунки харидорга авиачипта арзонга тушса,

тўғри келди. Натижада тизимда кишини ҳайратга соладиган қонунбузарликлар содир этилгани маълум бўлди. Жумладан, Тошкент шаҳар Яқкасарой туманида рўйхатдан ўтган «Барно Авиа Сервис» масъулияти чекланган жамият томонидан сотилган авиачипталар банкдан пул кўчириш йўли билан ҳар хил юридик ва жисмоний шахсларга сотилган

кент вилоятида жойлашган «Нурматова Зулфия» деҳқон ҳўжалиги раҳбари З.Нурматова текширувга жалб қилинганда, у берган кўрғазмадан департамент ходимлари ҳайратда қолдилар. Негаки, унинг ҳеч қандави авиачипта харид қилмаганлиги ва «Барно Авиа Сервис» масъулияти чекланган жамият ҳақида умуман эшитмаганлиги маълум бўлди.

нинг имзоларини қалбақлаштириб, «Барно Авиа Сервис» МЧЖ раҳбари В.Р.Атаниёзов билан З.Нурматованинг номидан 154 миллион сўмдан ошқ бўлган авиачипталарнинг сотилиши олиб, агентлик келишуви талабларига зид равишда 701,7 миллион сўмни хусусий тадбиркор Д.Грескога, 59,9 миллион сўмни хусусий тадбиркор М.Ярулин-

сотган. Жумладан, В.Атаниёзов бошқа корхоналардан ўз ҳисоб рақамига жуда кўп миқдорда пул маблағлари тушириб, бу пулларга агентликдан авиачипталар сотиб олиб, агентлик келишуви талабларига зид равишда 701,7 миллион сўмни хусусий тадбиркор Д.Грескога, 59,9 миллион сўмни хусусий тадбиркор М.Ярулин-

йўллар», балки шу каби хизматлар кўрсатуви бошқа хорижий корхоналар билан ҳам агентлик келишувларини имзолаган. Маълум бўлишича, корхонадан 1130371 АҚШ долларлик авиачипталар қўшни давлатларга чиқиб кетиб, уларнинг сотилишидан тушган маблағлар қайтиб келмаган. Бу масалага алоқадор мансабдор шахслар устидан ҳозир жиноят иши қўзғатилиб, 129 миллион 877 минг сўм молиявий жарима қўланилди.

Бундай қонунбузарлик ҳатто «Ўзбектуризм» Миллий компанияси тизимига ҳам кириб борган экан. Текширишлар жараёнида «Сайёҳларга хизмат кўрсатиш ва диспетчерлаш марказий бошқармаси» фаолиятида ҳам ана шундай ачинарли ҳолатга дуч келинди. Ушбу ташкилот раҳбарлари 2002-2003 йиллар давомида сотилган авиачипталардан тушган 54 миллион 564 минг сўм нақд пуллари банкга ўз вақтида топширилмаган ёки бир қисмини кечиктириб топ-

АВИАЧИПТА ВА НАҚД ПУЛ ҲАНГОМАСИ

«ҲАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИ» СУБАГЕНТЛАРИНИНГ АВИАЧИПТАЛАР СОТИШ БОРАСИДАГИ «ҲАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИ» СУБАГЕНТЛАРИНИНГ АВИАЧИПТАЛАР СОТИШ БОРАСИДАГИ «ҲАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИ» СУБАГЕНТЛАРИНИНГ АВИАЧИПТАЛАР СОТИШ БОРАСИДАГИ

субагентлар эса ҳисоб рақамларидан пуллари осонгина нақдлаштириб олишди. Агентлик «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси кўрсатаётган хизматларга, жумладан турли авиарейсларга авиачипталарни сотиб берувчи бир неча корхоналар билан келишувлар имзолаган. Худди ана шу «субагентлар» макрамида иш юритаётган 14 та корхонада Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан келишилган ҳолда режадан ташқари ҳужжатли текширувлар ўтказишга

лиги аниқланди. МЧЖ раҳбари В.Атаниёзов қонунчи даромад олиш мақсадида хусусий тадбиркорлар Д.Греско, М.Ярулин, «Парзек» МЧЖ, «Интерпрайзерс» хусусий фирмаси, «Сатол» хусусий фирмаси, «Сафемир» хусусий фирмаси ва «Нурматова Зулфия» деҳқон ҳўжалиқлари билан «Ҳаво алоқалари Бош агентлиги»дан сотиб олинган авиачипталарни нақд пулга сотиб, савдо пуллари банкга топширмадан нақдлаштириб келган. Корхонанинг доимий харидорларидан бири Тош-

Олиб борилган тезкор ҳаракатлар давомида «Нурматова Зулфия» деҳқон ҳўжалиги Тошкент вилоятидан рўйхатдан ўтганига қарамай корхонанинг асосий ҳисоб рақами «Ўйжойжам-фармабанк»нинг Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман филиалида эканлиги ва банкнинг корхонага хизмат кўрсатуви маълум ходими Шавкат Ашуров эканлиги маълум бўлди. Бунинг устига корхонанинг муҳри Ш.Ашуровда экан. У ана шу муҳр ёрдамида деҳқон ҳўжалиги раҳбари З.Нурматова-

қаролар авиачипталарни «Барно Авиа Сервис» авиакассаларидан нақд пулларига сотиб олганликларини таъкидлашди. Текширув ҳулосаси бўйича банк ходими Ш.Ашуров ва корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, корхонага 183.788,9 минг сўм миқдорда молиявий жарима қўланилди. Ана шундай ғайриқонуний йўллар билан бу корхона ўз фаолияти давомида жами 1 миллиард 752 миллион 500 минг сўмлик авиачипталарни учинчи шахслар орқали

га, 59,9 миллион сўмни хусусий тадбиркор Р.Бадаевага, 116,2 миллион сўмни «Парзек» МЧЖга, 120,5 сўмни «Сафемир» хусусий фирмасига, 40,9 миллион сўмни «Интерпрайзерс» хусусий фирмасига ва 154 миллион сўмни деҳқон ҳўжалиги раҳбари З.Нурматова номига чиқим қилиб, аслида ушбу авиачипталарни нақд пулга сотиб, савдо пуллари банкга инкассация қилмасдан нақдлаштирилган. «Экспресс айр» масъулияти чекланган жамият нафақат «Ўзбекистон ҳаво

Гўлчехра РАЗЗОҚОВА, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги СВОЖҚК департаментининг матбуот гуруҳи катта инспектори

Муаммо, мулоҳаза, таклиф

Мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамат, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қилдим.

Ислом КАРИМОВ

Жамиятнинг бугунги ҳолати ва келажакдаги тақдирини кўпгина омиллар билан бир қаторда ёш авлодга таълим бериш, уларни тарбиялаш жараёнига ҳам чамбарчас боғлиқдир.

уларга фидокорона хизмат қилишга камарбаста бўлган инсонларни шакллантиришга қаратилган.

етарли даражада бўлмоғи лозим, яъни назарий билим амалий кўникма билан узвий боғланган бўлиши даркор.

таълим жараёнида, тарбиялаш соҳасида вужудга келган бўшлиқ ёки сусткашлик, эътиборсизлик натижаси эмасмикин?!

лардан эканлиги шак-шубҳасиздир. Ҳозирги кунда бу масалага юзаси қаралиб ва натижада эстетика бўйича ўқуладиган маъруза ва олиб бориладиган машғулотлар қутилган натижаларни беролмайпти.

сизланиши туфайли тарбиявий ишларда бўшлиқ ҳолатлари қузатилади.

зим. Ҳазрат Хожа Ахрор Валий айтганларидек, «Мақтабдорлик — ўқитувчилик улуг ишдир», уни қадрсизлашга йўл қўймайлик.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

лаштириш, яъни илм-фаннинг қайси соҳаси бўлмасин унинг ихтимой ҳаёт, хусусан инсонлар учун хизмат қилиши лозимлиги масаласига диққатни қаратмоқ лозим.

Хунарни асрабон неткумдир охир, Олиб тифроққа му кеткумдур охир, деб келтирилиши нафақат билим ва ҳунарманд Фарҳодни, балки маънавияти жиҳатидан юксак даражада туррадиган мутахассис-хунардонларни ҳам қамраб олади.

дир. Чунки бу фанлар инсонни шахс сифатида шаклланиш олами бийитишда жуда муҳим ўрин эгаллайди.

сиси шунинг билан бирга етук шахс сифатида шаклланиш бўлиши амри маҳолдир.

моқ керак. Бу ҳақиқатни англаб етишининг ўзи ҳам тарбиядир.

Президентимизнинг юқорида келтирилган сўзлари қуйидагича давом этади: «Чунки таълим-тарбия — онг махсули лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир.

Ислоҳот чорраҳалари

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ҚОН ТОМИРИ —

темир йўл транспорти хизматини мувофиқлаштиришда самарқандлик темирйўлчиларнинг ибратли саъй-ҳаракатлари

Кўҳна Самарқандга дастлаб 1885 йилда паровоз қатнай бошлаган бўлса, ўтган бир асрдан ошқ мuddат ичида у катта ривожланиш йўлини босиб ўтди.

— Биз хизмат қилаётган Самарқанд темир йўли минтақасининг асосий вазифаси — поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдан иборат, — дейди ҳудудий минтақа раҳбари Тўйчи Мамарасулов.

Шу йил 28 сентябрда 50 доллар қўйиматдаги янги банкнотлар муомаллага киритилиши ҳақида АҚШ Молия вазирлиги хабар тарқатди.



ЯНГИ ДОЛЛАРЛАР МУОМАЛАГА КИРИТИЛАДИ

Шунингдек, минтақавий идора қошида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган касалхона ва поликлиника ҳам фаолият кўрсатиб турибди.

Сентябрда янги банкнотлар АҚШ Федерал заҳира тизимидан тижорат банкларига чиқарилади.

АҚШ Федерал заҳира тизими бошқарувчиси Марк Олсоннинг айтишича, амалдаги эски банкнотлар ҳам янгилари билан тенг муомалалада бўлавереди.

20 НОЯБРДА ИМЗОЛАНАДИ

Италия бош вазири Сильвио Берлускони Парижда Франция Президенти Жак Ширак билан ўтказган матбуот анжуманида маълум қилишчи, Европа Иттифогининг биринчи Конституцияси шу йил 20 ноябрь куни Римда имзоланади.

Мазкур Конституция июнда ЕИ етакчилари томонидан маъқулланган, дейилади Reuters агентлиги ахборотида.

ҚАЙТА РЕЖАЛАНАДИ

Исроил бош вазири Ариэл Шарон Қуддус шаҳрининг шимоли-шарқидан ўтадиган 30 километрлик мухофаза деворини 1967 йилги «яшил чизиқ»қа яқинроқ қилиб қайта режалашни Олий Адонат суди қарорига кўра, мамлакат Мудофаа вазирлигига, Адлия вазирлиги ва ЦАХАЛга топширди.

САЙЛОВ МУДДАТИ ЯНА ЎЗГАРИШИ МУМКИН

Афғонистонда шу йил сентябрда белгиланган умумий сайловлар ҳуқуқат доирасида кетаётган торттишувлар боис уни ўтказиш муддати яна қолдирилиши мумкин.

Ўзбекистон ва жаҳон

ДУНЁНИ ТОШКЕНТ БИЛАН БОҒЛАБ

«Ле Меридиан Тошкент» меҳмонхонасида Франциянинг «Эр Франс» авиакомпанияси вакилларининг матбуот анжумани бўлиб ўтди.

вожлантиришга ҳаракат қилиб, мижозлар хоҳиш ва талабларидан келиб чиққан ҳолда «Дедикейт» деб номланган йўналишларни жорий этди.

САТУРН ҲАЛҚАЛАРИ


Кўёси тизимидagi Сатурн (Зухал) сайёраси ҳалқаларини яқиндан томоша қилган одам уни худди дарахнинг кесилган танасига ёки грампластинкага ўхшатиши табиий.

2 ЙИЛГАЧА... МАҲРУМ ЭТИЛАДИ

Яқинда Россия давлат думаси томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинган «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида»ги Кодексга киририлган ўзгаришлар анча қаттиққўллик билан ажралиб туради, — дея хабар беради ИТАР-ТАСС.



Италия. Дуомо Санта Мариа дела Скала мейморий ёдгорлиги



Тунга Тошкент

